O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
3105092


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 8 май, № 92 (4755) Жума


# ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ – ЭКСПОРТГА

**Марҳамат туманида хорижнинг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган “Марҳамат ип йигирув тўқув” очиқ акциядорлик жамияти иш бошлади. Бу Президентимиз ташаббуси ва ғамхўрлиги билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Енгил саноат

Янги корхона “Ўзмиллийбанк” томонидан ажратилган 2 миллион АҚШ долларилик кредитдан ташқари, ўзининг 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағини ип йигирув ва тўқув дастгоҳлари сотиб олишга йўналтирди.

Корхона очилиши муносабати билан 300 нафарга яқин ёшлар ишга жалб этилди. Эндиликда улар томонидан йилига 2,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 80 фоизини экспортга чиқариш мўлжалланмоқда.

**СУРАТДА:** лаборатория назоратчиси Маржона Жабборова.



**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг мамлакатимизга давлат ташрифи арафасида ЎзА мухбири ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кён ДЖЭ МИН билан суҳбатлашди.**

Кён ДЖЭ МИН:

# ЎЗБЕКИСТОН – УЛКАН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

Биз ва жаҳон

**— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?**

— Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини жуда қадрлайди. Зеро, улкан иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллаб, ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётир.

Жанубий Корея Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон — Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларни янада юксалтиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2008 йилнинг февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, янги сайланган Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди. Икки мамлакат раҳбарлари Пекинда ҳам музокара ўтказдилар.

Жанубий Корея Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

**— Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ташрифидан қандай натижалар кутилмоқда?**

— Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида қарор топган мустаҳкам дўстона муносабат ва ҳамфикрлик ўзаро ҳамкорлигимизни янги поғонага олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда. Президент Ли Мён Бак катта делегация, жумладан, йирик фирма ва компаниялардан вакиллар — кўплаб ишбилармонлар ҳамроҳлигида келмоқда. Мазкур ташриф ўзаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизга ташриф буюрган Жаҳон сув кенгаши президенти Луис Фашон раҳбарлигидаги делегация 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида музокара ўтказди.

# ЖАҲОН СУВ КЕНГАШИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бошқа жабҳалар сингари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, бу хорижий ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда сув танқислиги долзарб муаммога айланган. Сув ресурслари бошқарувини такомиллаштириш ва улардан унумли фойдаланиш нафақат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, айни пайтда инсон саломатлигини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш имконини беради.

Музокарада мамлакатимиз билан Жаҳон сув кенгаши ўртасида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, халқаро миқёсда тажриба алмашишни фаоллаштириш ва ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

# ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЯКДИЛЛИК

***Президентимизнинг 2008 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби” номли маърузасида таъкидланганидек, республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўли сифатида белгилаб берилди.***

Муносабат

Юртбошимиз янги “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида эса бу масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосаларни илгари сурдилар. Асарда нафақат мамлакатимиздаги, балки бутун дунёдаги вазиятга баҳо берилган ва инқирозни бартараф этишнинг аниқ йўллари кўрсатиб ўтилган.

Албатта, бутун дунёни қамраб олаётган жаҳон молиявий инқирози, унинг оқибатлари халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми бўлган, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам муайян таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланиш йўлида айрим муаммолар туғдириши, табиий.

Шундай бўлса-да, 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор фаолият кўрсатди, ўсиш суръатлари таъминланди. Бунга халқимизнинг фидойилиги, машаққатли меҳнатлари эвазига эришилди. Жумладан, Хоразм вилоятида ҳам барча соҳаларда ислоҳотлар чуқурлаштирилди, иқтисодиётда ривожланиш йўлидан борилди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар таҳсинга лойиқ. Хусусан, бугун фермер хўжаликларида 145 мингдан ортиқ киши, жами иш билан банд бўлган аҳолининг қарийб 25 фоизи меҳнат қилмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 100 фоизи, ғалланинг 62 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. Фермер ва деҳқон хўжаликларида 593 минг тонна мева, сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, шундан 1520 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари четга экспорт қилинди.

Шунингдек, ўтган йили вилоятга иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 174 млрд. сўмлик инвестиция жалб этилди. Хорижий инвестициялар ва кредитлар 17,4 млрд. сўмни ташкил этиб, унинг 51 фоизи тўғридан-тўғри жалб этилган инвестиция ва кредитлардир.

Вилоятда Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга жиддий киришилди. Жумладан, иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатли ривожланишини таъминлаш юзасидан ички ва ташқи бозорларда вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, иқтисод қилишнинг қатъий тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электроэнергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Табиийки, режаларни ишлаб чиқишда асосий эътибор “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури билан боғлиқ чора-тадбирларга қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

# ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шерзод Файзиев мамлакат Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга ишонч ёрлиғини топширди.***

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Президент Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистон билан Ўзбекистонни нафақат жуғрофий яқинлик, балки азалий тарихий илдизлар, маданият, тил ва маънавий анъаналарнинг умумийлиги ҳам боғлаб туришини қайд этди. Туркманистон раҳбари туркман ва ўзбек халқлари бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро алоқалар замири бўлган ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муносабатлари билан ҳақли равишда фахрланажагини алоҳида таъкидлади.

Ҳамкорликнинг юксак даражаси ва жадал ривожланиш суръатлари тўғрисида сўз юритар экан, Г. Бердимуҳамедов унинг мустаҳкамланишида халқаро ва минтақавий сиёсатга доир қатор масалаларда томонлардаги қарашлар яқинлиги ва ҳамоҳанглиги муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди.

**«Жаҳон» АА.**

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Ипакчилик ривожланади

***Ўтган йилдан бошлаб Оролбўйида “Қорақалпоғистонда ипакчиликни ривожлантириш” деб номланган лойиҳа амалга оширилмоқда.***

Жаҳон банки қўллаб-қувватлаган мазкур лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар уюшмаси ва “Оролнинг олтин мероси” жамоат бирлашмаси томонидан Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа ва Хўжайли туманларида аҳолини тутзорлар барпо этиш, пилла етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда пировард натижада тайёр маҳсулот яратишга кўпроқ жалб қилиш мақсадида татбиқ этилмоқда.

Айни пайтда 600 дан ортиқ қишлоқ аҳолиси мана шу ўзига хос касбни ўрганиш билан бирга, иш ўрнига ҳам эга бўлмоқда.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Меҳнат ярмаркаси

Чуст шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган "Ёшлар сайли" маданий-маърифий тадбири чоғида туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ушбу ярмаркада 39 та ташкилот, корхона ва муассаса 300 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 115 нафар йигит-қиз янги иш жойларига эга бўлди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқанд туманидаги “Истиқлол” масъулияти чекланган жамияти аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.***

## Кунига — 1,5 тонна сут

Бу ерда кунига 1,5 тонна сут қайта ишланиб, 11 турдаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Айниқса, бринза, қаймоқ ва голланд пишлоғи барчага манзур бўлмоқда.

Яқинда жамият раҳбари Гулбаҳор Самадованинг саъй-ҳаракати билан маҳсулот тури кўпайди. Энди бу ерда 15 турдаги маҳсулот тайёрланади. Корхона фаолияти кенгайиши ҳисобига ўнта иш ўрни яратилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Инвестициялар ҳажми ортмоқда

***2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизга жалб этилган инвестициялар миқдори***

**31,4**



**фоиз кўпайди.**

**Бу, ўз навбатида, республикамиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини изчил давом эттириш имконини берди.**

**Қоракўл туманида фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари учун “Саломатлик — 2” лойиҳаси асосида “УАЗ” русумли тиббий хизмат машинаси ажратилди.**

## Тиббий хизмат яхшиланмоқда

— Бу ҚВПлар билан алоқаларимизни янада яхшилаш, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачининг поликлиника ва амбулаториялар бўйича ўринбосари Гулбаҳор Жабборова.

Олот, Ғиждувон, Бухоро туманлари тиббиёт бирлашмаларига ҳам ҚВПлар учун хизмат қиладиган "УАЗ" автомобиллари тортиқ этилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Охунбобоев туманининг Қорақўшчи қишлоғида “Ёшлар ижодиёти, спорт ва маданий-маърифий маркази” биноси қуриб битказилди.***

## Қишлоқ ёшларининг севимли маскани

Ушбу қишлоқ туманнинг аҳоли энг зич истиқомат қиладиган масканларидан биридир. Шу пайтга қадар бу ерда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун маданий-маиший муассасалар деярли йўқ эди. Эндиликда марказ қошида бадиий ҳаваскорлик, техника, спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Аҳолининг узоғи яқин бўлди

***Ҳисор тоғ тизмаларидан бошланадиган Лангар дарёси баҳорда ҳайқираб оқади. Тез-тез тошқин бўлиб туради.***

Шундай пайтларда Калтатой ва Чангакбулоқ қишлоқлари аҳолисининг дарёдан ўтиши мушкул муаммога айланарди.

Яқинда тадбиркор Қарши Назаровнинг саъй-ҳаракати билан бу ерда савобли ишга қўл урилди. Яъни, дарё устига кўприк қурилди. Узунлиги 80 метрга етадиган мазкур кўприк эндиликда аҳолининг узоғини яқин, мушкулини осон қилаяпти.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш мақсадида турли тизимли механизм ҳамда институтлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шулардан бири омбудсман институтидир. Зеро, замонавий ҳуқуқ тизимида омбудсман инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим механизми, дея эътироф этилган. Шу боис республикамизда жорий йил дунё миқёсида 200 йиллиги кенг нишонланадиган мазкур институтнинг аҳамиятини янада оширишга оид ҳуқуқий асослар мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Яқинда кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шулар жумласидандир. Мухбиримиз ушбу ҳужжатнинг аҳамияти, унинг мазмун-моҳияти хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра РАШИДОВА билан суҳбатлашди.*

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

**— Сайёра Шарофовна, мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш устувор вазифалардан саналади. Марказий Осиё давлатлари ичида омбудсманнинг биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда жорий этилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шундай эмасми?**

— Ҳа, 1995 йили давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозими жорий этилган эди. Орадан икки йил ўтгач, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунни бир неча йил давомида амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб, қолаверса, Олий Мажлис икки палатали тизимда фаолият кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда 2004 йилнинг 27 августида ушбу ҳужжат янги таҳрирда қабул қилинди. Шу аснода мазкур ҳуқуқий мажмуа давр талабига мослаштирилди. Шунингдек, Омбудсманнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (78-модданинг 16-банди), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги (8-моддаларнинг 16-банди), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги (23 ва 33-моддалар), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги (19 ва 32-моддалар) конституциявий қонунларда ҳам ўз аксини топган. Уларга кўра, Ўзбекистонда Вакил парламент органи сифатида фаолият кўрсатади ва у бир қанча муҳим ваколатга эга. Бу эса вакилнинг парламентда мустақиллиги тўлиқ таъминланганидан далолат беради.

**— Юқорида қайд этилган ҳужжатларга кўра, Омбудсман зиммасига қандай ваколатлар юклатилган?**

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига биноан, Вакил давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатларига эга. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади. Мазкур ваколатларни амалга оширишда Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Булар парламент қуйи палатаси қабул қилган, Сенат маъқуллаган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан янада мустаҳкамланди.

**— Ушбу Қонун Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қуйи палатага киритилганди. Айтинг-чи, ундан кўзланган мақсад нима?**

— Юқорида номи зикр этилган Фармон билан тасдиқланган Тадбирлар дастурига мувофиқ, турли чора-тадбирлар билан бир қаторда, омбудсман фаолияти такомиллаштирилиши туфайли айрим қонун

**Қонун кучга кирди**

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган эди. Уларга кўра, аввало, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонун нормаларини ижро қилиш юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Вакил ва ижро ҳокимияти органлари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини кучайтириш кўзда тутилган эди. Шу мақсадларда ишлаб чиқилган мазкур Қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ва Божхона кодексларига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, Вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга. "Вакил томонидан шикоятлар кўриб чиқилаётганда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кафолатлари" деб номланувчи 19-моддага биноан эса, Вакилга шикоят берган шахс ҳамда Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъқиб қилиниши ёки ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Мазкур нормалардаги бундай тартиб-қоида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларида назарда тутилмаган эди. Шунинг учун Жиноят-процессуал кодексидаги процессуал-мажбурлов чораларини ижро қилувчи жой маъмуриятининг мажбуриятлари акс эттирилган 216-модданинг иккинчи қисми "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш" деган мазмундаги қоида билан тўлдирилди. Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексидаги "Ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар" (223-модда), яъни депутатлар, судьялар, прокурорлар тоифасига Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳам киритилди.

**— Қонунга мувофиқ, Омбудсман жазони ўташ жойларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.**

— Жиноят-ижроия кодексининг 18-моддаси иккинчи қисмига биноан, шикоятларни кўриб чиқишда, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, кодекснинг 40, 79-моддаларига маҳкумларнинг Омбудсман билан ёзишмалари цензурадан ўтказилмаслигини кўзда тутувчи янги қоида киритилди. Бу эса мамлакатимиз Омбудсманини ваколатлари нуқтаи назаридан хорижий омбудсманлар билан тенглаштиради.

Яна бир янгилик шундан иборатки, Божхона кодексининг 50-моддаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) божхона назоратидан озод қилинувчи мансабдор шахс экани ҳақидаги қоида билан тўлдирилди. Бундан буён Вакилнинг шахсий юклари, агар у хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлса, божхона текширувидан озод этилади.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси 1-қисмига асосан, Вакил Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида белгиланадиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қўзғатилиши мумкин. Вакилни мажбурий келтириш, ушлаб туришга, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, тураржойи ва хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди, деган талабдан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунлари $30^1$-моддалар билан тўлдирилди. Унга кўра, Вакилни (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун икки палатанинг розилиги керак. Ушбу масала юзасидан Бош прокурорнинг тақдимномаси палаталар томонидан алоҳида-алоҳида тарзда кўриб чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг кучга кириши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

## Кён ДЖЭ МИН:
# ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ташриф асносида икки давлатнинг кўплаб соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Ишончим комилки, ушбу ташриф Ўзбекистон — Корея алоқалари кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга, мамлакатларимизнинг имкониятларини кенгроқ ишга солишга хизмат қилади.

**— Ўзаро ҳамкорликнинг қайси йўналишларини устувор деб биласиз?**

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада жадал тараққий этмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда бир миллиард АҚШ долларидан ошганининг ўзиёқ Ўзбекистон — Корея иқтисодий ҳамкорлиги ривожланаётганига мисол бўла олади. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган уч юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг етмишдан зиёд компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Дунёда иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистонга Президент Ли Мён Бак билан бирга кўплаб ишбилармонлар ҳам келаётгани мамлакатингиздаги иқтисодий барқарорлик ҳамюртларимнинг ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқишини тобора ошираётганидан далолат беради.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Икки мамлакат ҳамкорлигида Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатига асос солинганини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Алоқаларимиз нефть-газ, энергетика, машинасозлик, савдо, саноат, таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби соҳаларда ҳам жадал равнақ топаётгани эътиборга молик.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар ривожида маданий ҳамкорликнинг ўрнини алоҳида қайд этишни истар эдим. Хусусан, жорий йил 20-22 апрель кунлари Тошкентда Корея Республикаси маданияти фестивали бўлди. Фестиваль доирасида турли маданий тадбирлар, жумладан, корейс фильмлари намойиши ва "Туркистон" саройида ўзбек ва корейс санъаткорларининг қўшма концерти ташкил этилди. Кореялик созанда ва хонандалар Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келаётгани халқларимизнинг маънавий яқин ҳамда бир-бирининг қадрият ва маданиятига ҳурмати юксак эканидан далолатдир.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди.**

# ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЯКДИЛЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. 2009 йилда вилоятда 59,1 мингта янги иш ўрнини ташкил этиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 12 минг 944 та янги иш ўрни яратилди. Йил охиригача ушбу мақсадларга 171,3 млрд. сўмлик молиявий маблағлар йўналтирилади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши ҳузуридаги доимий комиссиялар аъзолари иштирокида вилоятнинг барча ҳудудларидаги корхона, ташкилотларнинг Инқирозга қарши чоралар дастурини ўрганиш ва қарорлар назоратини таҳлил қилувчи мониторинг гуруҳи ташкил этилганлиги ижобий натижалар бермоқда.

Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури кенг жамоатчилик ўртасида, ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар жамоаларида чуқур ўрганилмоқда. Маҳаллий депутатлар томонидан ўтказилаётган учрашувларда улар ўз сайловчиларини давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби" мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари билан батафсил таништириб, улар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораяптилар.

Дунё миқёсида рўй бераётган ҳар қандай жараён мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзининг ифодасини топиши тайин. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам молия ва товар бозорлари ҳамда банк-молия тизимида барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришни талаб этади. Бу борада Президентимиз раҳбарлигида оқилона ва чуқур ўйланган сиёсат олиб борилиши, кўрилаётган мақсадли чоралар натижасида мамлакатимиз инқирозни ва унинг оқибатларини бартараф этишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиқадиган барча вазифалар сўзсиз бажарилишига эришилади, албатта.

**Эгамберган КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Урганч автомобиль ва йўллар коллежи директори.**

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

*Пойтахтимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.*

# КЕКСАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

«Нуроний» жамғармаси раиси Э. Боқибоев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ кишиларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Айни пайтда халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ёш авлод маънавияти, тафаккурини бойитиш, йигит-қизларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ишида нуронийларимиз фаол иштирок этмоқда.

— Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-тиббий кўмак бериш масаласига катта эътибор қаратилаётганидан беҳад мамнунмиз, — дейди меҳнат фахрийси Ғафур Шамсиев. — Бу ишларга бевосита раҳнамолик қилаётган Юртбошимиздан миннатдормиз.

Учрашувда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ҒАМХЎРЛИКДАН БАҲРАМАНД АВЛОД

*Бугун мамлакатимизда иқтидорли ёшларни камол топтириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

**Таълим**

Бунга Наманган шаҳридаги 27-умумтаълим мактабини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу даргоҳда иқтидорли ва изланувчан ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Мактаб маъмурияти томонидан ана шундай ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Бунинг учун даргоҳда барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Хусусан, замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув-лаборатория, компьютер хоналари ҳамда спорт зали масканда таҳсил олаётган 2700 дан зиёд ўғил-қизлар ихтиёрида.

Эътиборли жиҳати, мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил этиш мақсадида турли спорт ва ижодий тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, "Ёш адабиётчилар", "Ёш истеъдодлар", "Ёш математиклар", "Ёш тарихчилар", "Моҳир қўллар", "Зардўзлик", "Ифодали ўқиш" каби ўнга яқин тўгарак қатнашчилари ўзлари танлаган фан ва амалий санъат йўналиши бўйича тажрибали ўқитувчи ҳамда мураббийлардан пухта сабоқ олмоқдалар.



**СУРАТДА:** мактаб ўқитувчиларидан Н. Қирғизова, Г. Дўстмирзаева ва Ҳ. Юсупова.

**Ҳ. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

**Янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари хизматингизга тайёр!**

***Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 29 январда қабул қилинган «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

# БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бугунга қадар шаҳар ва туманларда 14 та ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти иш бошлади. Айни кунларда улар буюртма асосида кўп қаватли уйларда таъмирлаш, аҳоли учун янги тураржойлар қуриш ишларини давом эттирмоқда. Мазкур ташкилотлар томонидан реконструкция қилиш, таъмирлаш, қуриш ишлари сифатли, нисбатан арзон нархларда бажарилиши замонавий уй-жой барпо этиш истагида бўлган мижозларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу буюртмалар кўпайишида муҳим омил бўлаётир.

— «Беговот капитал таъмир» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларидан миннатдормиз, — дейди Урганч шаҳридаги «Сарварбек-Озода» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Малика Ҳакимова. — Биз истиқомат қилаётган ҳар биттаси 24 хонадонли иккита кўп қаватли уй 1984 йилда қурилган. Шундан бери сифатли таъмирлаш ишлари қилинмагани боис уйларнинг чиқиш йўлаклари, муҳандислик-коммуникация ҳолати талабга жавоб бермай қолган эди. Ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш пудрат ташкилоти ишчиларининг ғайрат-шижоати билан уйларимиз мукаммал таъмирдан чиқарилди ва кўркам қиёфа касб этди. Таъмирлаш ишлари жуда қисқа фурсатда ва сифатли бажарилди.

«Беговот капитал таъмир» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Боймурод Олланазаровнинг таъкидлашича, ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш пудрат ташкилоти фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир бу ерда йигирмага яқин қурувчи-усталар иш билан таъминланган. Ўтган бир ой ичида пудрат ташкилоти томонидан 25 миллион сўмлик ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Айни пайтда Қўшкўпир тумани марказида 8 хонадонли учта кўп қаватли уйда ҳам мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Гурлан туманидаги «Гурлан аҳолига махсусбиноқурилиш» хусусий корхонаси қишлоқ аҳлининг оғирини енгил қилиб, замонавий тураржойлар барпо этишда яқиндан кўмаклашаётган субъектлардан биридир.

— Шу кунларда умумий қиймати 150 миллион сўмлик, тўрт оилага мўлжалланган тураржой қурилишини тезкорлик билан давом эттирмоқдамиз, — дейди мазкур ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш пудрат ташкилоти раҳбари Камолиддин Турсунов. — 25 нафар қурувчи-усталардан иборат жамоамиз бунёдкорлик ишларини жадал суръатда олиб бормоқда. Бундан ташқари, тез орада қиймати 285 миллион сўмлик ҳажмда бўлган икки қаватли, 8 хонадонга мўлжалланган тураржой қурилишини ҳам бошлаймиз. Мустақиллик байрами арафасида янги уй калитларини ёш оилаларга топшириш ниятидамиз.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки "Moody's" агентлиги томонидан берилган халқаро рейтингни 2009 йилда ҳам сақлаб турибди.*

# МОЛИЯ БОЗОРИДА ЕТАКЧИЛИК
## мавқеи яна бир бор тасдиқланди

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тобора кескинлашиб, кўплаб давлатларнинг етакчи кредит-молия ташкилотларига жиддий таъсир кўрсатаётган бир шароитда эришилган бу муваффақият мамлакатимизда банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самараси сифатида эътироф этилаяпти.

Дарҳақиқат, «Ўзмиллийбанк» ўзининг юксак кўрсаткичлари билан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари орасида етакчилик қилмоқда. "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги банкнинг

**Эътироф**

2008 йил, шунингдек, 2009 йил биринчи чорагидаги фаолиятини таҳлил қилиб, ўзи берган баҳо — **«ВаЗ»** рейтингини ўзгаришсиз қолдириб, Миллий банкка берилган кредит рейтингини қайта тасдиқлади. Эътиборлиси, берилган рейтинг **«барқарор»** прогнозига эга.

Сир эмас, банкларнинг жаҳондаги етакчи рейтинг агентликларининг халқаро рейтинг баҳоларини қўлга киритиши республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда мамлакат молия шўъбасини халқаро тизимга олиб киришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Нуфузли агентлик томонидан мамлакатимиздаги энг йирик молия муассасасига **«барқарор»** прогнози билан рейтинг берилиши Ўзбекистон банк-молия тизими барқарор ривожланаётганига, Миллий банк танлаган стратегия тўғрилигига хорижий экспертларнинг муносиб баҳоси, шубҳасиз, юксак эътироф белгисидир.

**Банк матбуот хизмати.**

